

**ДУККАКЛИ ДОН ЕТИШТИРИЛГАН МАЙДОНЛАРДА  
КЕЙИНГИ ЙИЛИ ПАРВАРИШЛАНГАН ҒЎЗА НАВЛАРИ БАРГ  
САТҲИ ЮЗАСИНИНГ ЎЗГАРИШИ.**

**Ғайратбек Рахматуллаев Давронбекович**

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари  
институтини, қишлоқ хўжалик фанлари фалсафа доктор (ПхД)*

*QXESU 2-16gr talabasi Usmonov Mirzoxid Sobirjon o'g'li  
Matadjonov Habibullo Akramjon o'g'li*

Аннотация В данной статье приведены сведения о росте и развитии сортов хлопчатника, выращиваемых на (*Glycine max* и *Vigna radiata*) во вторичном посевах, а также на листовой поверхности. Annotation

Annotation This article provides information on the growth and development of cotton varieties and leaf surface grown on (*Glycine max* and *Vigna radiata*) in secondary crops

Ғўза барги – ўсимликдаги газ ва ҳавони алмаштириб турадиган энг муҳим орган ҳисобланади. Барг шапалоғининг катталиги, ғўза турига ва иқлим шароитига қараб сатҳи 4 кв.см дан 40 кв.см гача боради. Барг шапалоғининг устки томонида 1 кв.мм да 115-118 тагача оғизча бўлади. Остки сатҳда 245-250 тагача оғизчалари бўлади, ана шу оғизчалари орқали барг ичига ҳаво ўтади, ҳар хил газлар ҳам шу оғизчалардан чиқади.

Ғўза ниҳоллари ер бетига униб чиққанидаёқ, ўсув нуктасининг ён томонидан барг куртаги ҳам ривожлана боради. 10 кун мобайнида биринчи чинбаргга айланади, бу муддат 1-2 кунга, шароитга қараб фарқ қилиши мумкин.

Биринчи чинбарг шакллангандан 5-7 кун ўтгач, иккинчи чинбарг чиқади ва кейин ҳар 3-4 кунда навбатдаги барглар ҳосил бўла бошлайди, кўракларнинг очилиш пайтида барг ҳосил қилиш тўхтайтиди. Ғўза барги

орқали ҳаводан нафас олади ва сувни буғлантириб туради. Барглар орқали буғланган сув ўрнига навбатда янги сув алмашади, яъни тупроқдаги сув ғўзанинг илдири, пояси орқали юқорига кўтарилади.

Ғўзанинг барг шапалоғи остидаги ва устидаги оғизчалар орқали ҳаводаги карбонат ангидрид газини ҳаво билан унинг ичига киради. Қуёш нури ҳам баргнинг тиниқ юпқа пўсти орқали ўтади. Бу қуёш нури энергиясини баргдаги хлорофилл доначалари ўзига сингдириб олади. Хлорофилл доначалардаги анорганик моддаларда, яъни карбонат ангидрид газини ва сувдан, қуёш нурининг таъсирида органик модда крахмал ҳосил бўлади.

Ғўза томонидан  $SO_2$  таркибидаги карбон (углевод) олиниб, органик модда ҳосил қилиш учун сарфланади. Бунда ажралиб қолган  $O_2$  барг оғизчалари орқали ташқарига чиқиб кетади. Ғўзадаги бу мураккаб жараён фотосинтез ҳодисаси дейилади. Ҳосил бўлган органик моддалар шира, ёғ, оксил ва бошқа ҳар хил моддалар барг орқали ҳосил элементларига тақсимланади.

Транспирация жараёни фақат барг орқали бўлиб, ҳар бир сутка давомида, айниқса кундузи барг орқали ғўза танасидаги сув 10-15 маротаба янгиланади. Шунинг ҳисобига энг жазирама иссиқ вақтларда ҳам ғўза танасини қизиб кетишдан сақлаб қолади ва ғўза тупидаги ҳосил элементларини тўкилиб кетишининг олди олинади.

Бир туп ғўзанинг ўзида ҳам барглар ҳар хил бўлиши мумкин. Барг бўлаклари кенг, тор, ўртача ҳамда катта-кичик бўлади. Агар тўғри ва ўз вақтида парвариш қилиниб, етарли сув ва ўғитлар билан таоминланса ғўзалар «қайчи» барг бўлиб ўсади, аксинча ғўза нотўғри озиклантирилса, барг шапалоғи қалинлашиб катта бўлиб кетади, натижада ғўзанинг кўсаклари кеч етилади, терим кечикади.

Шундай экан ғўзани биологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда барг сатҳи юзаси ўзгариши мумкин. С.Х.Йўлдашев ва М.Назаров (1976) ларни аниқлашларича Тошкент-1 ва Тошкент-2 ғўза навларининг барг сатҳи юзаси С-4727 ва 108-Ф навлариникидан юқоридир. Умуман олганда эса ғўза барг

сатҳи юзасини мақбуллиги уни тўплаган пахта ҳосили салмоғи билан ўлчанади.

Шунинг учун ҳам биз ўз тадқиқотларимизда ғўза навларининг барг сатҳи юзасини ўзгаришини тупроқ унумдорлигига боғлиқ ҳолда ўргандик. Такрорий экинларда қўлланилган маъдан ўғитлар меъёрига боғлиқ ҳолда уларни тўплаган анғиз ва илдиз қолдиқларини чиришидан ҳосил бўлган табиий фонлари таъсири ғўза барг сатҳи юзасига турлича бўлганлиги кузатилди.

Айтиш керакки, тадқиқот йиллари ғўза навлари барг сатҳи юзасини ўзгариши уларни шоналаш, гуллаш ва пишиш даврларида аниқланди.

ПСУЕАИТИ Андижон тажриба станцияси тупроқ иқлим шароитида кузги буғдойдан кейин экилган (назорат) вариантда 1 ўсимликнинг барг сатҳи юзаси  $1180 \text{ см}^2$  ни 1 гектарда эса  $10305 \text{ м}^2$  ни ташкил этган бўлса, гуллаш ва ришиш даврларида бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда  $1680-14800$  ва  $1970 \text{ см}^2 - 16213 \text{ м}^2$  га тенг бўлди.

Таъкидлаш керакки, 1 ўсимликни барг сатҳи юзаси ривожланиш даврларига боғлиқ ҳолда ҳақийқий кўчат қалинлиги маълумотларига кўпайтирилган ҳолда 1 гектар майдондагиси аниқланди.

Маъдан ўғитлари такрорий экин мошда  $\text{N}25$ ,  $\text{P}_2\text{O}_580$ ,  $\text{K}_2\text{O}60$  кг/га меъёрларда қўлланилган фонда ғўза барг сатҳи юзаси унинг ривожланиш даврларига мутаносиб равишда  $1250 \text{ см}^2 - 10412 \text{ м}^2$ ;  $1870 \text{ см}^2 - 16325 \text{ м}^2$  ва  $2000 \text{ см}^2 - 16900 \text{ м}^2$  ни ташкил қилган ҳолда назоратдан  $70-517$ ;  $190-1529$  ва  $30 \text{ см}^2 - 688 \text{ м}^2$  га юқори бўлганлиги кузатилди. Яна шуни ҳам алоҳида айтиш жоизки, ғўза навларида маъдан ўғитлари (хатто назоратда ҳам) бир хил меъёрда ( $\text{N}200$ ,  $\text{P}_2\text{O}_5140$ ,  $\text{K}_2\text{O}100$  кг/га) қўлланилди, барг сатҳи юзасини назоратдан фарқланиши фақат мош ўсимлиги қолдирган анғиз ва илдиз қолдиқларининг таъсирида бўлиши кузатилди (1-жадвалда).

Маъдан ўғитлари мош ўсимлигида  $\text{N}50$ ,  $\text{P}_2\text{O}_580$ ,  $\text{K}_2\text{O}60$  кг/га меъёрларда қўлланилган фонда ғўза барг сатҳи юзаси бироз камайган ҳолда ривожланиш даврларига мутаносиб равишда  $1250-10476$ ;  $1850-16150$  ва

1980 см<sup>2</sup>-16592 м<sup>2</sup> ни ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар назоратдан (пишган даврида) 10 см<sup>2</sup> -379 м<sup>2</sup> га юқори, лекин мошда N25, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>80, K<sub>2</sub>O60 кг/га қўлланилган фонидан 20 см<sup>2</sup> -308 м<sup>2</sup> га камроқдир.

Ўзани Наврўз навининг барг сатхи юзаси юқоридаги 2 та (7 ва 8-вариант) фонда ривожланиш даврларига мутаносиб равишда 1240-1050 см<sup>2</sup> ва 10634-10131 м<sup>2</sup>; 1690-1670 см<sup>2</sup> -14500-14712 м<sup>2</sup> ва 1920-10910 см<sup>2</sup> -15452 м<sup>2</sup> -16254 м<sup>2</sup> гани ташкил қилди. Биз кўрсаткичларни охирилари (пишиш даврида) назоратдан 20-10 см<sup>2</sup> ва 505-807 м<sup>2</sup> га юқори, лекин Андижон-36 навиникидан эса 80-70 см<sup>2</sup> ва 148-338 м<sup>2</sup> га камроқдир.

1-жадвал

**Такрорий экинларнинг ўза навларини барг сатхи юзасини ўзгаришига таъсири (см<sup>2</sup>/м<sup>2</sup>), 2011й**

	Такрорий экин турлари	Маъдан ўғитларни йиллик меъёрлари, кг/га			Шоналашда	Гуллашда	Пишишда
		N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	1 га	1 га	1 га
<b>Ўзани Андижон-36 нави</b>							
1	Назорат (экилмаган)				10395	14800	16213
2	Мош:	25	80	60	10412	16325	16900
3	Мош:	50	80	60	10476	16150	16592
4	Соя:	60	90	60	10150	15157	16609
5	Соя:	90	90	60	10380	15242	16309
<b>Ўзани Наврўз нави</b>							
6	Назорат (экилмаган)				9999	13950	15447
7	Мош:	25	80	60	10639	14500	15452
8	Мош:	50	80	60	10131	14712	16254
9	Соя:	60	90	60	10947	14430	15599
10	Соя:	90	90	60	15042	13876	15392

Демак, Наврўз ўза навини барг сатхи юзаси Андижон-36 ўза навиникидан камроқ лекин, ўзининг биологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда бу Наврўз навининг мақбул кўрсаткичлари N-25, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-80, K<sub>2</sub>O-60 кг/га меъёрларда қўлланилган фонда (15952 м<sup>2</sup>) кузатилди.

Соя ўсимлигида маъдан ўғитлари N60, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>90, K<sub>2</sub>O60 кг/га меъёрларда қўлланилган фонда ғўза навларининг пишиш даврида 1 ўсимликнинг барг сатхи юзаси мутаносиб равишда 1975-1980 см<sup>2</sup> ни, 1 гектар майдонда эса 16609-15599 м<sup>2</sup> ни ташкил қилди ва назоратдан 5-0,0 см<sup>2</sup> ҳамда 396-152 м<sup>2</sup> га юқори бўлди. Таъкидлаб ўтамизки Наврўз навини барг сатхи юзаси 1 ўсимликда назоратдан фарқ қилмаган ҳолда кўчат сони ҳисобига 1 гектар майдонда фарқланди. Соя ўсимлигида маъдан ўғитларини асосан азотни яна 30 кг/га ошириш натижасида ғўза навларини барг сатхи юзаси бироз камайиб 1965-1920 см<sup>2</sup> ва 16309-15392 м<sup>2</sup> ни ташкил қилди. Андижон-36 ғўза навининг бу кўрсаткичи назоратдан гектар ҳисобига 96 м<sup>2</sup> га кўпроқ, лекин, Наврўз навини 1 ўсимликдаги барг сатхи юзаси назоратдан 20 см<sup>2</sup> га юқори бўлган эди. 1 га ерда камайиши эса яна ҳақиқий кўчат қалинликларига боғлиқлиги маълум бўлди.

#### **Адабиётлар.**

1. Абдуллаев А. «Ғўза биологияси, селекцияси ва уруғчилиги». Тошкент, 1989 й 57-61 б.
2. Ахмедов Ж.Х. Хасанов Э.У. Жанубий вилоят минтақаларида етиштирилган уруғликнинг чигит сифати ва ҳосилдорлиги, 1986й, 173-бет.
3. Д.Абдукаримов “Дала экинлари селекцияси ва уруғчилигининг генетик асослари”Т. “Ўқитувчи” 1988.
4. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент, 2007й.